

# Росулulloҳнинг узуклари ҳақидаги ҳадислар баёни

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[ Ўзбекча ]

بَلْبُ مَا جَاءَ فِي خَاتَمِ رَسُولِ اللَّهِ  
ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الشمايل المحمدية للترمذي  
[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

**Таржимон:** Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

**Нашрга тайёрловчи:** Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

Бу дарсимизни ҳам ҳар галгидек қисқача мазмуни билан танишиб, сўнг асосий мавзуга киришамиз иншааллоҳ. Аввало Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кавушлари ҳақида келган ҳадисларни ниҳоясига етказиб, сўнг ундан кейинги боб узуклари ҳақида ворид бўлган ҳадислар билан танишиб ва узукларини ўнг қўлларида тақиб уни хатм, яъни имзо босиш учун ишлатганликлари ҳақида ривоят қилинган ҳадисларни таржималари ва қисқача шарҳларини ўқиб дарс қиламиз.

80 – حدثنا أحمد بن منيع ثنا أبو أحمد حدثنا سفيان عن السدي قال حدثني من سمع عمرو بن حريث يقول رأيت رسول الله يصلي في نعلين مخصوصتين

Амр ибн Ҳурайсдан ривоят қилинади у киши айтадиларки: Мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни бигиз билан созланган икки кавушда намоз ўқиганликларини кўрдим.

**Изоҳ:** *Ҳадисда кавуш нажосатдан пок бўлса, унда намоз ўқиши дурустлигига ҳужжат бор, яъна бу ҳадисдан Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Пайгамбар зот бўлишларига қарамай, ямоқ солинган эски кавуш кийишлари, камтар ҳаёт кечириб, дунёга ҳирс қўймаганликлари аён бўлаяпти.*

81 – حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري حدثنا معن حدثنا مالك عن أبي الزناد عن الأعرج عن أبي هريرة أن رسول الله قال لا يمشين أحدكم في نعل واحدة لينعلهما جميعا أو ليحفظهما جميعا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича у зот айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бирингиз бир пой кавуш билан юрмасин, иккисини кийиб олсин, ёки иккисини ҳам ечиб, яланг оёқ юрсин.

**Изоҳ:** *Бу ҳадисни имом Бухорий, имом Муслим “саҳиҳ”ларида ва абу Довуд “сунан”ларида ривоят қилган эканлар, ҳадиснинг шарҳида ҳофиз ибн Хажар фатҳул борий яъни “саҳиҳ” Бухорийнинг шарҳи бўлмиш китобларида бир қанча уламоларнинг сўзларидан келтирадилар. Хаттобий айтган эканларки: Бу ҳадисдаги қайтарувдан бўлган ҳикмат, кавуш оёққа азият берадиган тикан тош каби нарсалардан сақлаш учун чиқарилгандир, агар бирини ечиб иккинчисини кийиб олса, бир оёгини озорлардан сақлаб иккинчисини сақламай юришига тўғри келади, бу эса мўътадилликдан чиқиб инсон табиатига тўғри келмайди, яъна бирлари айтган эканлар: бундай ҳолда юриши аъзолар ўртасида адолатсизликдир.*

Ибн ал-Арабий эса бу шайтоннинг юришидир, мусулмон киши шайтонга ҳеч нарсада ўхшамаслиги керак, чунки бундай юриш шайтон юриши деб ҳадис келган дейдилар. Байҳақий эса бу шуҳрат либосига ўхшаб қолади деган эканлар. Яъни одамлар одатига бутунлай тескари ҳолда кийиниш, шуҳрат либоси бўлиб, бундан қайтарилгандир. Баъзилар эса бу ҳолат кишининг ақли ноқислигига далолат қилиши ҳам мумкин, уни кўрганлар тентак -деб ўйлаб, ундан узоқлашиб кетадилар, тўғрироғи ҳам шу бўлса керак. Хуллас шариат бундай хуник кўринишлардан қайтариб, мусулмонларни ҳар ҳолатда чиройли бўлишларини хоҳлайди.

**82- ҳадис** ҳам худди шу ҳадиснинг ўзидир.

83 – حدثنا إسحاق بن موسى حدثنا معن حدثنا مالك عن أبي الزبير عن جابر أن النبي ﷺ أنه يأكل يعني الرجل بشماله أو يمشي في نعل واحدة

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади у зот айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам киши чап қўли билан емоқлигидан, ёки бир пой кавушда юрмоқлигидан қайтардилар.

**Изоҳ:** Албатта бошқа ҳадисларда келишича: Шайтон чап қўлида еб-ичар экан. Бизларни шайтонга ўхшаб қолмаслигимиз учун бундан қайтарилмоқда ва яъна чап қўл нопок ишларга, ўнг қўл эса, покиза ишларга ишлатиш учун тайинланган.

84 – حدثنا قتيبة عن مالك ح وحدثنا إسحاق بن موسى حدثنا معن حدثنا مالك عن أبي الزناد عن الأعرج عن أبي هريرة أن النبي قال إذا انتعل أحدكم فليبدأ باليمين وإذا نزع فليبدأ بالشمال فلتكن اليمنى أولهما وآخرهما نزع

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Агар бирингиз кавуш кийса, ўнгдан бошласин, ечадиган бўлса, чапдан ечисин. Ўнг томон кийишда аввал, ечишда эса кейин бўлсин.

**Изоҳ:** Бу ҳадисни ҳам имом Бухорий, Муслим ва абу Довуд ривоят қилганлар. Хофиз ибн Хажар Бухорийнинг шарҳларида бу ҳадисга Нававийнинг қилган шарҳларини келтирадилар. Имом Нававий айтган эканлар: Ҳурмат ва зийнат ўринларида ўнгдан бошламоқлик мустаҳаб, -яъни суннат- демоқчилар. Бунинг зидди бўлган ишларда эса чапдан бошламоқлик суннатдир. Масалан ҳожатхонага кириш, кавуш ва маҳси ечиш, масжиддан чиқиш ва истинжо қилишларда ва барча нопок ишларда чапдан бошлаш суннатдир.

85 – حدثنا أبو موسى محمد بن المثنى حدثنا محمد بن جعفر حدثنا شعبة ثنا أشعث هو ابن أبي الشعثاء عن أبيه عن مسروق عن عائشة رضي الله عنها قالت كان رسول الله يحب التيمن ما استطاع في ترجله وتنعله وطهوره

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам соч тарашларида кавуш кийишларида ва таҳоратларида баҳоли қудрат ўнг тарафдан бошлашни яхши кўрар эдилар.

**Изоҳ:** Албатта пайғамбар умматиман деб даъво қилувчилар ҳам, у зотнинг яхши кўрган нарсаларини яхши кўрмоқлиги даркор, акс ҳолда бу қуруқ даъво бўлур.

86 – حدثنا محمد بن مرزوق أبو عبد الله ثنا عبد الرحمن بن قيس أبو معاوية حدثنا هشام عن محمد عن أبي هريرة قال كان لعن رسول الله قبالات وأبي بكر وعمر رضي الله تعالى عنهما وأول من عقد عقدا واحدا عثمان رضي الله عنه

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳуларнинг кавушларини ипи иккита эди. Биринчи бўлиб бу ипни битта қилган киши Усмон розияллоҳу анҳу бўлдилар.

**Изоҳ:** Лекин ҳадиснинг исноди муҳаддисларнинг баҳсларига қараганда жуда заиф эмиш, валлоҳу аълам. Шу билан бу бобдаги ҳадислар тугади. Кейинги боб Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари ҳақида келган ҳадислар билан танишамиз.

**Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг узуклари баёни**

87 – حدثنا قتيبة بن سعيد وغير واحد عن عبد الله بن وهب عن يونس عن ابن شهاب عن أنس بن مالك قال كان خاتم النبي من ورق وكان فصه حبشيا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У зот айтадиларки: Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари кумушдан, узукнинг кўзи эса ҳабаший бўлган эди.

**Изоҳ:** Яъни унинг кони Ҳабашистон бўлганлиги учун, ҳабаший деб номланган. Узукнинг кўзидан мақсад, кишининг кимлигини билдирувчи аломатдир у исми ёки лақаби бўлиб уни анашу ерга ёзиб қўйилади. - дейди баъзи шарҳловчилар.

88 – حدثنا قتيبة حدثنا أبو عوانة عن أبي بشر عن نافع عن ابن عمر أن النبي اتخذ خاتما من فضة فكان يجتم به ولا يلبسه قال أبو عيسى أبو بشر اسمه جعفر بن أبي وحشية

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича айтадиларки: Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи васаллам кумушдан узук ясадиб олдилар, уни тақмай фақат имзо чекиш учун ишлатар эдилар.

89 – حدثنا محمود بن غيلان أنا حفص بن عمر بن عبيد هو الطنافسي حدثنا زهير أبو خيثمة عن حميد عن أنس بن مالك قال كان خاتم رسول الله من فضة فصه منه

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади у зот айтадилар: Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари кумушдан бўлиб, унинг кўзи ҳам кумушдан эди.

90 – حدثنا إسحاق بن منصور حدثنا معاذ بن هشام ثنا أبي عن قتادة عن أنس بن مالك قال لما أراد النبي أن يكتب إلى العجم قيل له إن العجم لا يقبلون إلا كتابا عليه خاتم فاصطنع خاتما فكأن أنظر إلى بياضه في كفه

Анас ибн Молиқдан ривоят қилиниб айтадиларки: Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам ажамларга мактуб йўлламоқчи бўлганларида, у зотга ажамлар имзосиз хатни қабул қилмайдилар - дейилди, кейин бир узук ясадиб олдилар. Ҳозир мен худди шу кафтларидаги узукнинг оқини кўраётгандек бўлаяпман.

**Изоҳ:** Яъни ровий ўша кўрган ҳолатни тасаввур қилиб, гўё кўз ўнгиларида кўргандек бўлиб кетганлар, ажамлар араблардан бошқа барча миллатлардир.

91 – حدثنا محمد بن يحيى حدثنا محمد بن عبد الله الأنصاري ثنا أبي عن ثمامة عن أنس بن مالك قال كان نقش خاتم النبي محمد سطر ورسول سطر والله سطر

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинади: У зот айтадилар Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи васаллам узукларининг нақши, Муҳаммад бир сатрда, Росул бир сатрда, Оллоҳ бир сатрда эди.

**Изоҳ:** Бошқа ривоятларга қараганда, Оллоҳ таолони улуглаб биринчи сатрда Оллоҳ калимаси, иккинчи сатрда Муҳаммад ва учинчи сатрда эса Росул калимаси ёзилган экан.

92 – حدثنا نصر بن علي الجهضمي أبو عمرو أنبا نوح بن قيس عن خالد بن قيس عن قتادة عن أنس بن مالك أن النبي كتب إلى كسرى وقيصر والنجاشي فقبل له إهم لا يقبلون كتابا إلا بخاتم فصاغ رسول الله خاتما حلقتة فضة ونقش فيه محمد رسول الله

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинишича у киши айтадиларки: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам Кисро, Қайсар ва Нажошийга мактуб йўлламоқчи бўлдилар, у кишига улар имзосиз мактубни қабул қилмайдилар. – дейилди. Кейин узук ясатиб олдилар. Унинг ҳалқаси кумушдан эди ва унда Муҳаммадур Росулulloх - деб нақш урилган эди.

93 – حدثنا إسحاق بن منصور أنبا سعيّد بن عامر والحجاج بن منهال عن همام عن ابن جريج عن الزهري عن أنس بن مالك أن النبي كان إذا دخل الخلاء نزع خاتمه

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади Айтадиларки: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам агар халога, яъни қазои ҳожатга борсалар, узукларини ечиб қўяр эдилар.

**Изоҳ:** Чунки Оллоҳ лафзини улуглаш возжибдир. Узукларида айтиб ўтганимиздек Оллоҳ лафзи бор эди.

94 – حدثنا إسحاق بن منصور حدثنا عبد الله بن نمير حدثنا عبيد الله بن عمر عن نافع عن ابن عمر قال اتخذ رسول الله خاتما من ورق فكان في يده ثم كان في يد أبي بكر و يد عمر ثم كان في يد عثمان رضي الله عنهم حتى وقع في بئر أريس نقشه محمد رسول الله

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади: Росулulloхсаллаллоху алайҳи васаллам кумушдан узук ясатиб олдилар, у узук ўзларининг қўлларида бўлди, у кишидан сўнг, Абу Бакрнинг кейин, Умарнинг кейин эса, Усмоннинг қўлларида бўлиб, охир ниҳоят, арис қудуғига тушиб кетди. Унинг Муҳаммадур Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам деган нақши бор эди.

**Изоҳ:** Бу ҳадисдаги баъзи муҳаддисларнинг айтишлари бўйича Арис қудуғи Арис исмлиқ бир яҳудийнинг номига қўйилган экан. Маълумки Мадинага Яҳудлардан учта қабила Пайғамбар юборилса уни ёрдамчиларидан бўламиз деб, кўчиб келишган эди. Пайғамбар зот Араблардан чиққанлиги учун Оллоҳ таолонинг қисматига рози бўлмай, унинг элчисига ашаддий душманлардан бўлиб қолдилар.

13 باب ما جاء في أن النبي كان يتختم في يمينه وفيه 10 أحاديث

### 13- Боб

**Росулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг ўнг қўлларида имзо босишлари ҳақидаги боб.**

95 – حدثنا محمد بن سهل بن عسكر البغدادي وعبد الله بن عبد الرحمن قالوا أخبرنا يحيى بن حسان حدثنا سليمان بن بلال عن شريك بن عبد الله بن أبي نمر عن إبراهيم بن عبد الله بن حنين عن أبيه عن علي بن أبي طالب رضي الله عنه أن النبي كان يلبس خاتمه في يمينه

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам узукларини ўнг қўлларига тақар эдилар.

96 – حدثنا محمد بن يحيى أنا أحمد بن صالح ثنا عبد الله بن وهب عن سليمان بن بلال عن شريك بن عبد الله بن أبي نمر نحوه

Бу ҳадис ҳам худди аввалги ҳадис мазмунидадир.

97 – حدثنا أحمد بن منيع حدثنا يزيد بن هارون عن حماد بن سلمة قال رأيت ابن أبي رافع يتختم في يمينه فسألته عن ذلك فقال رأيت عبد الله بن جعفر يتختم في يمينه وقال عبد الله بن جعفر كان رسول الله يتختم في يمينه

Ҳаммод ибн Саламадан ривоят қилинади. У киши айтадиларки: Мен ибн Абу Рофийни ўнг қўлида узук тақшени кўриб, сабабини сўрасам у айтдики: Мен Абдуллоҳ ибн Жаъфарнинг ўнг қўлида узук тақшени кўрганман ва у Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг қўлларида узук тақшени кўрганман. -деган эди.

98 – حدثنا يحيى بن موسى حدثنا عبد الله بن نمير عن إبراهيم بن الفضل عن عبد الله بن محمد بن عقييل عن عبد الله بن جعفر  
أن نبي الله كان يتختم في يمينه

Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ривоят қилинади. Айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларида узук тақар эдилар.

99 – حدثنا أبو الخطاب زياد بن يحيى حدثنا عبد الله بن ميمون عن جعفر بن محمد عن أبيه عن جابر بن عبد الله أن النبي كان يتختم في يمينه

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади. У киши айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларида узук тақар эдилар.

100 – حدثنا محمد بن حميد الرازي ثنا جرير عن محمد بن إسحاق عن الصلت بن عبد الله قال كان ابن عباس يتختم في يمينه ولا إخاله إلا قال قال رسول الله يتختم في يمينه

Солт ибни Абдуллоҳдан ривоят қилинади: У зот айтадиларки: Ибн Аббос ўнг қўлида узук тақар эди ва мени ўйлашимча Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларида тақар эдилар. – дер эди.

101 – حدثنا محمد بن عمرو ثنا سفيان عن أيوب بن موسى عن موسى عن نافع عن ابن عمر أن النبي اتخذ خاتما من فضة وجعل فيه ما يلي كفه ونقش فيه محمد رسول الله وفيه أن ينقش أحد عليه وهو الذي سقط من معيقيب في بئر أريس

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам кумушдан узук ясадиб олдилар. Унинг кўзини кафтлари тарафига қилиб олдилар. У узукда Муҳаммадур Росулulloҳ -деб нақш урилган эди. Кейин биров уни устига нақш уришидан қайтардилар. Муайқибнинг қўлидан Арис қудуғига тушиб кетган узук мана шу узук эди.

102 – حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا حاتم بن إسماعيل عن جعفر بن محمد عن أبيه قال ل كان الحسن والحسين رضي الله عنهما يتختمان في يسارهما

Жаъфар ибн Муҳаммад оталаридан ривоят қиладилар: Оталари айтадиларки: Ҳасан ва Ҳусайн чап қўлларида узук тақар эдилар.

**Изоҳ:** Ўнг қўлга узук тақши ҳақида келган ҳадислар кўп бўлсада, лекин уларнинг бирортасида чап қўлга узук тақшени ҳаром қилувчи маъно йўқ, шунинг учун чап қўлга ҳам узук тақши жоиз бўлиб, ўнг қўлга тақши эса афзалроқдир. Сабаби ўнг қўлга тақши ҳақида ҳадислар жуда кўп келган, бундан ташқари ўнг қўл яхши ишлар учун хосланганлиги учун зийнатга арзугилидир.

103 – حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا محمد بن عيسى وهو ابن الطباع حدثنا عباد بن العوام عن سعيد بن أبي عروبة عن قتادة عن أنس بن مالك أن النبي كان يتختم في يمينه قال أبو عيسى هذا حديث غريب لا نعرفه من حديث سعيد بن أبي عروبة

عن قتادة عن أنس عن النبي نحو هذا إلا من هذا الوجه وروى بعض أصحاب قتادة عن قتادة عن أنس بن مالك عن النبي أنه كان يتختم في يساره وهو حديث لا يصح أيضا

Анас ибн Моликдан айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларида узук тақардилар. Имом Термизий бу Қатоданинг Анасдан қилган ривоятини ғариб деб, яъна қатоданинг Анасдан чап қўлларига ҳам таққанликлари ҳақида келган ривоятни ҳам саҳиҳ эмас. - деган эканлар.

104 – حدثنا محمد بن عبيدالله الحاربي ثنا عبدالعزيز بن أبي حازم عن موسى بن عقبة عن نافع عن ابن عمر قال اتخذ رسول الله خاتما من ذهب فكان يلبسه في يمينه فاتخذ الناس خواتيم من ذهب فطرحه رسول الله وقال لا ألبسه أبدا فطرح الناس خواتيمهم

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у зот айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам тиллодан узук ясадиб олдилар, уни ўнг қўлларига тақар эдилар, одамлар ҳам тиллодан узуклар ясаб олдилар, кейин Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам узукларини ташлаб юбориб, уни энди тақмайман.- Дедилар. Бундан кейин одамлар ҳам узукларини ташлаб юбордилар.

**Изоҳ:** Чунки Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа ҳадисларда марҳамат қилишларича: У зотнинг умматларининг эркакларига тиллодан тақинчоқ тақийи ва тилло идишларда еб ичиши ҳаром қилингандир.

وآخر دعوانا ان الحمد لله رب العالمين.